

Ҳиндистонда Қуръон мусобақаси ўтказилмоқда



10:30 / 23.11.2018 2240

22 ноябрь куни Ҳиндистонда Қуръони каримнинг миллий мусобақси бошланди. Мусобақа Эрон Ислom Республикаси билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган бўлиб, тадбир Ислom Республикасининг Ҳиндистондаги маданият уйида ўтказилмоқда. Мусобақада Ҳиндистон ва Эроннинг тегишли ташкилотларининг вакиллари қатнашмоқда, деб хабар беради IQNA ахборот агентлиги.

Хабарда айтилишича, мусобақа ҳифз ва қироат йўналишлари бўйича ўтказилмоқда. Унда жами 116 та қорилар қатнашмоқда. Улардан 36 нафари ҳифз бўйича, 80 нафари қироат йўналиши бўйича куч синашадилар. Мусобақа қатнашувчиларини эрон ва ҳиндистонлик ҳакамлар баҳолаб борадилар.

Islom.uz портали таҳририяти